
КОРРУПЦИЯДАН ҲОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРАМИЗ!

Туман халқ таълим бўлимида мактаб директорлари, ўринбосарлари иштирокида коррупцияга қарши курашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

– Афсуски, ҳудудимиз коррупциядан ҳоли эмас, – деди туман ҳокими Дилшоджон Джалилов. – Мақсадимиз туманимизни бу иллатдан ҳоли ҳудудга айлантирамыз. Бунинг учун аввало жамоада соғлом муҳит бўлиши керак. Баъзи мактабларда ёзув-чизувлар бўлиб, асосий иш қолиб кетяпти.

Туман прокурори Илҳомжон Ходжаев “Коррупцияга қарши кураш ҳақида”ги қонун мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталди.

– Таълим тизими коррупциядан 100 фоиз ҳоли бўлиши керак, – деди прокурор. Директор ва ўқитувчилар ўртасида фарқ катта. Ёниб ишлайдиганлар бор, шу билан бирга кун ўтса бўлди, деганларни ҳам учратяпмыз.

– Битирувчиларининг 10 фоизидан кам олий ўқув юртларига кирган мактаб раҳбарлари билан хайрлашамиз, – деди ХТБ мудир Ф.Юлдашев.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-06-16 15:13:02